

## А Ж Р И М

### (Ярашганлик муносабати билан жиноят ишени тугатиш тўғрисида)

2020 йил январь ойининг 20 куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг очик, сайёр суд мажлиси Ургут тумани, “Ўрамас” МФЙ биносида бўлиб, суд раиси Ж.Ю.Арслановнинг раислигида, судья ёрдамчиси П.Рахмоновнинг котиблигида, Ургут туман прокурорининг катта ёрдамчиси Х.Қудратов, судланувчи Ж.Хомидов ва унинг ҳимоячиси Ургут шаҳридаги “Маъдиев Ғанихон” адвокатлик фирмаси адвокати С.Нуриллаев, жабрланувчи Б.Ваҳобовларнинг иштирокида,

Хомидов Жамшид Фахриддин ўғли (Xomidov Jamshid Faxriddin o'g'li) – 1996 йил 3 июнь куни Самарқанд вилояти, Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, оилалик, муқаддам судланмаган, мавсумий ишчи, Ургут шаҳри, “Камардон” маҳалласида яшайди, иш бўйича айблов далолатномаси нусхасини 2020 йил 3 январь куни олган, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, руҳан соғлом.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан судланувчига оид № 1-1416-2001/8-сонли жиноят ишени кўриб чиқиб, қўйидагиларни,-

### А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Хомидов Жамшид Фахриддин ўғли – 2019 йил 25 сентябрь куни соат тахминан 19:00ларда, Ургут шаҳри, “Боғишамол” маҳалласида жойлашган “Марҳабо” ошхонасининг ён томонида, Ургут шаҳри, “Навбоғ” маҳалласида яшовчи таниши Ваҳобов Баҳодир Усмонкул ўғли билан ўрталарида келиб чиққан келишмовчилик натижасида жанжаллашиб қолиб, унинг танасини турли жойларига ёнида бўлган тирноқ олувчи мосламасининг пичоғи билан қасддан уриб, унга “Енгил, соғлиғини бузилишига сабаб бўлган тан жароҳати” етказган.

Судга судланувчи Ж.Хомидов, жабрланувчи Б.Ваҳобовлар ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишени ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Судланувчи Ж.Хомидов сайёр суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқроп эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишени тугатишни сўради.



Жабрланувчи Б.Ваҳобов сайёр суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, Ж.Хомидовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жинойт ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жинойтни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи Б.Ваҳобовни ҳамда судланувчи Ж.Хомидовнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жинойт иши ҳужжатлари билан биргаликда ўрганиб, Ургут туман прокурорининг катта ёрдамчиси Х.Қудратов, судланувчи Ж.Хомидовнинг ҳимоячиси адвокат С.Нуриллаевнинг жинойт ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, муқаддам судланмаганлиги, айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчига ва судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчи, жабрланувчини хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жинойт ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, Ж.Хомидовга нисбатан юритилган жинойт ишини ярашганлиги муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи Ваҳобов Баходир Усмонқул ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

## **А Ж Р И М Қ И Л А Д И**

Судланувчи Хомидов Жамшид Фахриддин ўғли (Xomidov Jamshid Faxriddin o'g'li)га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан юритилган жинойт иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи Ваҳобов Баходир Усмонқул ўғлига мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим қонуний кучга киргач судланувчи Ж.Хомидовга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида жинойт ишлари бўйича Самарқанд вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдириши мумкин.

**Раислик қилувчи судья:**

**Ж.Ю.Арсланов**



## Суд мажлиси баённомаси

2020 йил январь ойининг 20 куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг очиқ, сайёр суд мажлиси Ургут тумани, “Ўрамас” МФЙ биносида бўлиб, суд раиси Ж.Ю.Арслановнинг раислигида, судья ёрдамчиси П.Рахмоновнинг котиблигида, Ургут туман прокурорининг катта ёрдамчиси Х.Қудратов, судланувчи Ж.Хомидов ва унинг ҳимоячиси Ургут шаҳридаги “Маъдиев Ғанихон” адвокатлик фирмаси адвокати С.Нуриллаев, жабрланувчи Б.Ваҳобовларнинг иштирокида,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан судланувчи Хомидов Жамшид Фахриддин ўзлига нисбатан бўлган жиноят ишини эшитди.

Раислик қилувчи суд мажлисини очиб, кўриладиган ишни эълон қилди.

Котиб суд мажлисига чақирилган судланувчи ва жабрланувчини ҳозирлигини баён қилди.

Раислик қилувчи суд таркиби ва тарафларни эълон қилди.

Судланувчи ва жабрланувчини суд таркиби ҳамда тарафларга нисбатан раiddиялари бўлмади.

Раислик қилувчи судланувчи Ж.Хомидовни шахсини аниқлади.

Судланувчи: Хомидов Жамшид Фахриддин ўзли (Xomidov Jamshid Faxriddin o'g'li) – 1996 йил 3 июнь куни Самарқанд вилояти, Ургут туманида тугилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, оилалик, муқаддам судланмаган, мавсумий ишчи, Ургут шаҳри, “Камардон” маҳалласида яшайди, иш бўйича айблов далолатномаси нусхасини 2020 йил 3 январь куни олган, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, руҳан соғлом.

Судланувчининг шахсига оид томонларда саволлар бўлмади.

Раислик қилувчи судланувчига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 46-моддасида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирди.

Судланувчи Ж.Хомидов суд мажлиси давомидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунарли эканлигини билдирди.

Раислик қилувчи жабрланувчига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 55-моддасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни тушунтирди.

Жабрланувчи суд мажлиси давомидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунарли эканлигини билдирди.

Раислик қилувчи томонларга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66-1 моддаси талабларини тушунтирди.

Раислик қилувчига жабрланувчи ва судланувчи Ж.Хомидов томонидан ярашув тўғрисидаги аризалар келиб тушиди.



Раислик қилувчи жабрланувчи ва судланувчи Ж.Хомидовни ярашув тўғрисидаги аризаларини ўқиб эшиттирди.

Раислик қилувчи судланувчи Ж.Хомидовнинг сўзини эшитди.

**Судланувчи Хомидов Жамшид Фахриддин ўглининг иш ҳолати бўйича сўзи:**

-Мен айбимга тўлиқ иқрорман ва қилмишимдан чин кўнгилдан пушаймонман, ҳақиқатдан ҳам мен 2019 йил 25 сентябрь куни соат тахминан 19:00ларда, Ургут шаҳри, “Боғишамол” маҳалласида жойлашган “Марҳабо” ошхонасининг ён томонида, Ургут шаҳри, “Навбоғ” маҳалласида яшовчи танишим Ваҳобов Баҳодир Усмонқул ўғли билан ўртамизда келиб чиққан келишимовчилик натижасида жанжаллашиб қолиб, унинг танасини турли жойларига ёнимда бўлган тирноқ олувчи мосламасининг пичоғи билан қасддан уриб, унга “Енгил, соғлигини бузилишига сабаб бўлган тан жароҳати” етказган эдим, ҳозирда жабрланувчи Ваҳобов Баҳодир Усмонқул ўғлидан кечирим сўраб, ўзаро келишган ҳолда ихтиёрий равишда ярашганмиз, жабрланувчи Б.Ваҳобовга нисбатан етказилган моддий ва маънавий зарарларни ўзаро келишган ҳолда тўлиқ қоплаб бердим, жабрланувчини менга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқ, бизнинг ярашувимизга бирон-бир тазйиқ ўтказилмади, менга нисбатан бўлган жиноят ишини ўзаро ярашганлигимиз муносабати билан ҳаракатдан тугатишликни сўраб, ёзма равишда ариза тақдим қиламан.

Раислик қилувчи жабрланувчи Б.Ваҳобовга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси талабларини тушунтириб шахсини аниқлади.

Жабрланувчи

Ваҳобов Баҳодир Усмонқул ўғли – 1993 йил 25 июнь куни Самарқанд вилояти, Ургут туманида тугилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, муқаддам судланмаган, маълумоти ўрта, ЯТМФБШ, оилалик, 2 нафар фарзанди бор, Самарқанд вилояти, Ургут шаҳри, “Навбоғ” маҳалласи, “Навбоғ” кўчаси, 337-уйда яшайди, руҳан соғлом.

Тарафларда жабрланувчининг шахсига оид саволлар бўлмади.

Раислик қилувчи жабрланувчи Б.Ваҳобовни иш бўйича сўзини эшитиши учун сўз берди.

**Жабрланувчи Б.Ваҳобовнинг иш бўйича сўзи:**

-ҳақиқатдан ҳам 2019 йил 25 сентябрь куни соат тахминан 19:00ларда, Ургут шаҳри, “Боғишамол” маҳалласида жойлашган “Марҳабо” ошхонасининг ён томонида Хомидов Жамшид билан ўртамизда келиб чиққан келишимовчилик натижасида жанжаллашиб қолиб, Ж.Хомидов менинг танамни турли жойларига ёнида бўлган тирноқ олувчи мосламасининг пичоғи билан қасддан уриб, менга “Енгил, соғлигини бузилишига сабаб бўлган тан жароҳати” етказган эди, ҳозирда мени судланувчи Ж.Хомидовга нисбатан ҳеч қандай даъвом йўқ, судланувчи Ж.Хомидов менга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ўзаро



келишганимиз ҳолда тўлиқ қоплаб берди, бизнинг ярашувимизга бирон-бир тазйиқ ўтказилмади, бизлар ихтиёрий равишда ярашдик, менга суд бизни ярашувимизни тасдиқласа, мазкур иш бўйича иш юритувни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқимни йўқотишимни тушунтирди, судланувчи Ж.Хомидовга нисбатан бўлган жиноят ишини ўзаро ярашганлигимиз муносабати билан ҳаракатдан тугатишларингизни сўрайман ва ёзма равишда ариза тақдим қиламан.

Раислик қилувчи судланувчи ва жабрланувчини судга тақдим қилишган аризалари юзасидан прокурорни фикрини сўради.

**Прокурорнинг фикри:**

-Ҳурматли раислик қилувчи ва процесс иштирокчилари !

Мана бугун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан судланувчи Хомидов Жамшид Фахриддин ўзига нисбатан бўлган жиноят ишини суд мажлисида тўпланган барча далилларни ҳар томонлама ҳолисона таҳлил қилган ҳолда кўриб чиқдик.

Мазкур жиноят иши бўйича жабрланувчи Б.Ваҳобовни суд мажлисида тақдим этган ярашув тўғрисидаги аризасини ҳамда судланувчи Ж.Хомидов ўз айбига тўлиқ иқрорлигини ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчи Б.Ваҳобовдан кечирим сўраб, етказилган моддий ва маънавий зарарларни ўзаро келишганлари ҳолда тўлиқ қоплаб ихтиёрий равишда ярашганликларини, суд мажлисида ярашувга розилиklarини билдиришганликларини инobatга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан судланувчи Ж.Хомидовни жиноий жавобгарликдан озод қилиб, унга нисбатан бўлган жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш мақсадга мувофиқ бўлади деб биламан.

Юқоридагиларни инobatга олиб судланувчи Ж.Хомидовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан бўлган жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ ҳаракатдан тугатишингизни сўрайман.

Фикримни ёзма равишда тақдим қиламан.

Раислик қилувчи судланувчи ва жабрланувчини судга тақдим қилишган аризалари юзасидан ҳимоячи С.Нуриллаевни фикрини сўради.

**Ҳимоячи С.Нуриллаевнинг фикри:**

-Ҳурматли раислик қилувчи ва процесс иштирокчилари !

Мазкур жиноят иши бўйича судланувчи ва жабрланувчини суд мажлисида тақдим этишган ярашув тўғрисидаги аризаларини, ҳимоямда бўлган судланувчи Ж.Хомидов ўз айбига тўлиқ иқрорлигини ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплаб ихтиёрий равишда ярашганликларини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан жиноят ишини ҳаракатдан тугатишингизни сўрайман.

Раислик қилувчи алоҳида хонага кирди ва шу куни алоҳида хонадан чиқиб, раислик қилувчи ажримни ўқиб эшиттирди.



*Раислик қилувчи тарафларга ажримнинг мазмуни ва моҳияти, ажрим устидан ўн кунлик муддат ичида апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида шикоят қилишга, прокурор протест келтиришга ҳамда суд мажлисининг баённомаси билан танишиши ва ўз мулоҳазасини билдириши ҳуқуқларини тушунтириб, суд мажлисини ёпиқ деб эълон қилди.*

**Раислик қилувчи судья:**

**Ж.Ю.Арсланов**

**Судья ёрдамчиси:**

**П.Рахмонов**



Ҳужжат имзоланган: Арсланов Жаҳонгир Юлдашович, 20.01.2020

